

# ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАР ҚИСМИ

## 1. Миллий экспортчиларни рағбатлантириш сиёсатини тақомиллаштириш масалалари

Ушбу мақола ЮСАИДнинг «Ўзбекистонда Иқтисодий Испоҳотлар» Лойиҳаси доирасида Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида амалга оширилган тадқиқот иши асосида ёзилган. Тадқиқот ишининг муаллифлари С.С.Фуломов, С.В.Ким, Д.К.Аҳмедов, Ш.З.Шукуров, Н.Сироқиддинов, А.Юлдашев, Г.И.Малашина, Г.Зоҳидов, М.Махмудовлардир.

### Кириш

Ўзбекистонда жорий иқтисодий испоҳотлар жараённида экспортга нисбатан глобаллашувнинг афзалликларидан максимал фойдаланиш ва унинг салбий оқибатларини минималлаштириш сиёсатини юритиш мухим масала хисобланади ва бу ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларни экспортни ва мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришга рағбатлантириши мумкин. Шу маънода экспортни раўбатлантириш борасидаги жаҳон тажрибасини ўрганиш ва мавжуд кўп миқдордаги муқобиллар орасидан экспорт сиёсатининг нисбатан самарадор воситаларини қўллаш, мамлакатда Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) томонидан ўрнатилган умум қабул қилинган ташқи савдо амалиёти стандартларини жорий этиш олдимиизга қўйилган мақсадларга етишишнинг мухим жиҳати хисобланади.

### Экспортни рағбатлантиришнинг жаҳон тажрибаси

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда экспортни рағбатлантириш сиёсати улардаги ривожланишнинг турли босқичларида ўтказилган, бу эса ўз вақтида раўбатлантириш воситаларини ва ёндашувни жуда кучли тарзда ўзгартирди ва кенгайтириди. Экспортни рағбатлантиришнинг, кўплаб мамлакатлар мисолида бир хилда муваффақиятли кечган ягона сиёсати мавжуд, деб таъкидлаш мумкин эмас. Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий шароити, тараққиёт босқичи, шунингдек, жаҳондаги иқтисодий, сиёсий вазиятдан келиб чиқкан ҳолда ўз тараққиётида экспортни рағбатлантиришнинг турли услубларини қўллаган.

Мамлакатлар хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, давлат аралашуви воситаси сифатида ва шунингдек, кўпроқ бозор механизmlарига таянганган ҳолда ўз экспортларини рағбатлантиришган. Шундай қилиб, экспортни давлат аралашуви воситасида рағбатлантириш, айниқса, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва жаҳон бозорига олиб чиқиш учун салмоқли сармоялар сарфини талаб қиласидиган ноанъянавий экспорт ёки замонавий техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотлар экспортида ижобий натижаларини берди. Ушбу вазиятда давлатнинг молиявий кўмаги, унинг хусусий сармояни сафарбар қилишдаги ҳаракатлари, инфратузилмаларга асос солиш улкан аҳамият касб этди ва экспорт тузилмаларининг нисбатан қисқа муддатларда мукаммаллашувини таъмин этди<sup>12</sup>.

Бошқа томондан эса, бир қатор бошқа давлатлар (Малайзия, Сингапур, Таиланд, Тайван) нинг тажрибаси асосан бозор механизmlарига таянишни ўзида акс эттиради. Саноати ривожланган давлатлар сирасига мансуб экспортга йўналтирилган давлатлар (Таиланд, Тайвань, Малайзия) нинг кўпчилигида ҳукумат экспорт масалаларига деярли аралашмаган<sup>13</sup>. Бошқа давлатлар эса, аксинча, экспортчирлар учун қулай макроиктисодий шароитларни яратиш билан бир қаторда экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг маҳсус шаклларидан ҳам фойдаланишган.

Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, экспортни рағбатлантиришнинг асосий воситалари қўйидагилардир: қулай макроиктисодий мухит ва ишлаб чиқарувчилар учун экспортга рағбат яратиш. Экспортни рағбатлантириш чора-тадбирлари давлат даражасида ҳам, ҳудудий бўлинмалар доирасида ҳам амалга оширилади. Бунда экспортни рағбатлантиришнинг асосий воситалари сифатида қўйидагилар намоён бўлиши мумкин: солиқ ва бож имтиёзлари; грантлар ва имтиёзли кредитлар бериш; валюта курсини белгилаш ва назорат қилиш; экспортни жадаллаштириш учун мамлакатда ва хорижда маҳсус давлат жамғармалари, ташкилотлари ва марказларини тузиш.

Экспорт субсидиялари – айрим маҳсулотларни чет мамлакатларга экспорт қилишда экспорт қилувчи ташкилотларга давлат ёки масъул институтлар томонидан тақдим этиладиган молиявий имтиёзлардир. Кўплаб вазиятларда нафақат экспорт, балки умуман маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам яширин протекционистлик тўсиқларига ишора қилинган ҳолда субсидия қилинади. Субсидиялар, кўп маблағ сарфланадиган товарлар билан бир қаторда айрим тайёр маҳсулотлар экспортига, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларика нисбатан кенг тарзда ишлатилади. Масалан, Жанубий Корея

12 [www.budgetrf.nsu.ru](http://www.budgetrf.nsu.ru)

13 [www.budgetrf.nsu.ru](http://www.budgetrf.nsu.ru)

хұкумати 2001 йилда қышлоқ хұжалик маҳсулотларини экспорт қилишга W 25.95 миллиардни ташкил қылувчи субсидия ажратди. Ушбу субсидиялар мевалар, гуллар, сабзавотлар, кимчи, женьшешен үзілген мол маҳсулотларига тегишли зди<sup>14</sup>.

Экспорт кредитлари асосан тайёр маҳсулотларга берилади ва узоқ ва қисқа муддатли кредитларни үз ичига олади. Кредитлаш қайта молиялаштириш, субсидиялаш ёки суғурталаш маҳсус жамғармалари орқали тूлаш ійіли билан амалга оширилади. Маҳсус кредитлаш жамғармаларини тузиш банклар ва хұкуматлараро банк ташкилотлари орқали амалга оширилади<sup>15</sup>.

Экспортни суғурталаш экспорт кредитларига давлат кафолатларини тақдим этиш орқали амалга оширилади. Кафолатлар экспорт кредитларини тақдим қылувчи банкларга берилади. Суғурта нафақат анъанавий тижорий, балки сиёсий хавф-хатар (risk)ларни ҳам қоплади. Ҳозирги даврда у көнг турдаги маҳсулотлар ва мамлакатларга тарқалған. Суғурта муддатлари анчайин хилма-хил. Суғурталаш Экспорт-импорт банки (АҚШ), Экспорт кредитларини кафолатлаш департаменти (Буюк Британия) каби маҳсус ташкилотлар ёки ушбу мақсадлар учун давлат маблағларидан фойдаланиш ҳукуқига ега бўлған хусусий суғурта компаниялари (Олмония, Белгия) орқали амалга оширилади.

Масалан, Бразилияда экспортни молиялаш, суғурталаш ва кафолатлаш қышлоқ хұжалик маҳсулотлари, машина асбоб-ускуналари, узоқ вақт фойдаланиладиган товарлар ва хизматлар сингари кўплаб маҳсулотлар учун бразилиялик экспортчиларга кредит ажратадиган маҳсус Дастур (PROEX) воситасида амалга оширилади<sup>16</sup>. Малайзияда белгиланған фоиз қиймати билан қисқа муддатли молиялаш тижорат банклари орқали Малайзия Экспорт-Импорт Банки (ЭИБ) томонидан молиялаштирилади ва тартибга солиб турилади<sup>17</sup>. Шундай қилиб, қисқа муддатли молиялаштириш саноат ишлаб чиқарувчилари, савдо компаниялари ва билвосита экспортчилар (бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг етказиб берувчилари) га берилади. Жанубий Кореяда ЭИБ тўловни амалга оширмаслик хатари ҳолатидагина экспорт кредитлари ва уларни суғурталашни тақдим этади<sup>18</sup>. Шунингдек, ЭИБ тижорий ва сиёсий хавф-хатар ҳолатида ҳам экспортни суғурталаш воситасида рағбатлантиради. Мисол учун, 2002 йилда ўрта ва узоқ муддатли экспорт суғурталарини максимал қоллаш шартнома қийматининг 95% идан 100 % га ошди<sup>19</sup>. 2002 йилда кредитларни олувчиларнинг асосий қисмини капитал маҳсулотлар (саноат маҳсулотлари, машинасозлик ва кемасозлик)ни экспорт қылувчилар ташкил этишди. Ушбу соҳаларда экспорт даражаси 13 % га, яъни W 42 триллионгача ўсили (умумий экспорт ҳажмининг деярли 1/5 қисми), улардан 80% и қисқа муддатли суғурталашлар томонидан тақдим қилинган зди<sup>20</sup>.

Солик ва бож имтиёзлари экспортчиларни тўғри ва айланма солиқларни тўлашдан озод этиш ійіли билан амалга оширилади. Шунингдек, хорижий филиаллар очаётган фирмаларнинг солик тўловини камайтириш, хорижда филиал очиш учун олиб борилаётган тадқиқотларга сарфланаётган харажатларни солик тўловидан истисно этиш, экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар ва бутловчи қисмлар тайёрлашда солиқдан озод этиш, экспортни ривожлантириш учун солиқдан озод этилган пул жамғармаларини тузиш, божхона тўловларини камайтириш ва қайтариш ҳам мумкин.

Масалан, Жанубий Кореяда экспорт ишлаб чиқаришда мунтазам ишлатиладиган чет элдан олиб келинадиган хомашёлар божхона тўловларидан озод этилган<sup>21</sup>. Малайзияда машина асбоб-ускуналари, асбоб-ускуналар, хомашё ва экспорт учун саноат ишлаб чиқаришнинг бутловчи қисмларини импорт қилиш божхона ва солик тўловларидан озод қилинган. Агар экспорт ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун импорт қилинган маҳсулотлар 12 ой ичida экспорт қилинса, 90 % божхона тўловлари ва айланма маблағлардан тўланған солик тўлалигача ишлаб чиқарувчига қайтарилади<sup>22</sup>. Сингапурда халқаро савдога жалб этилган компанияларга ҳукумат томонидан солик имтиёзлари тақдим этилади. АҚШда солик чегирмаларига эришиш учун экспортчилар чет мамлакатда ўз маҳсулотларни сотиш бўйича хорижий филиал очишлари зарур. Агар америка фирмаси маҳсулотларини хорижий филиал воситасида экспорт қилаётган бўлса, АҚШ конунчилигига кўра фойданинг бир қисми солиқдан озод этилади. Шу тарзда америкалик экспортчилар ҳар йили \$ 1,5 миллиардни<sup>23</sup> солик чегирмалари тизимидағи қулайликлардан фойдаланған ҳолда тежаб қолишиади.

14 WTO Secretariat, «Trade Policy Review: South Korea», 2000, in [www.wto.org/english/tratop\\_e/tpr\\_e/tp\\_rep\\_e.htm#bycountry](http://www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry)

15 [www.budgetrf.nsu.ru](http://www.budgetrf.nsu.ru)

16 WTO Secretariat, "Trade Policy Review: Brazil", 2000, in [www.wto.org/english/tratop\\_e/tpr\\_e/tp\\_rep\\_e.htm#bycountry](http://www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry)

17 WTO Secretariat, "Trade Policy Review: Malaysia", 2001, in [www.wto.org/english/tratop\\_e/tpr\\_e/tp\\_rep\\_e.htm#bycountry](http://www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry)

18 WTO Secretariat, "Trade Policy Review: South Korea", 2000, in [www.wto.org/english/tratop\\_e/tpr\\_e/tp\\_rep\\_e.htm#bycountry](http://www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry)

19 [www.koreaexim.go.kr](http://www.koreaexim.go.kr)

20 WTO Secretariat, "Trade Policy Review: South Korea", 2000, in [www.wto.org/english/tratop\\_e/tpr\\_e/tp\\_rep\\_e.htm#bycountry](http://www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry)

21 WTO Secretariat, "Trade Policy Review: South Korea", 2001, in [www.wto.org/english/tratop\\_e/tpr\\_e/tp\\_rep\\_e.htm#bycountry](http://www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry)

22 WTO Secretariat, "Trade Policy Review: Malaysia", 2001, in [www.wto.org/english/tratop\\_e/tpr\\_e/tp\\_rep\\_e.htm#bycountry](http://www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry)

23 [www.fkpi.ru/index.php?page=analytics\\_06](http://www.fkpi.ru/index.php?page=analytics_06)

Валюта қиймати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ўта мұхим аҳамият касб этади. Ўз экспорт салоҳиятини жадал ривожлантираётган күргина мамлакатлар (Чили, Колумбия, Мексика, Тайван, Хитой, Жанубий Корея, Индонезия)<sup>24</sup> экспортни рағбатлантириш учун ўз миллий валюталари қийматини сунъий тарзда паст даражада ушлаб туриш йўлидан бордилар. Улар айни мақсадда миллий валютани прогрессив қадрсизлантириш дастуридан фойдаландилар, бунинг учун баъзида «сурдрувчи боғланма» услугидан (валюта қиймати унинг муайян даражада доимий ўзгариши белгилаб олинадиган система) фойдаланадилар, ёки ўз валюталарининг кескин девальвациясини ўтказадилар. Бунда экспортнинг ўсиши зарур даражадаги қийматсизлантиришнинг ва шу билан бирга бундай сиёсат самарадорлигининг асосий ўлчови ҳисобланади.

Ташкилий шакллар нуқтаи назаридан давлат экспортчиларни қўллаб-куватловчи маҳсус жамғармаларни тузиши мүмкін ёки мамлакатда ва хорижда миллий ишлаб чиқарувчилар экспортини илгари сурувчи маҳсус ташкилотларга асос солиши мүмкін. Бу ташкилотлар асосан давлат ташкилотлари ҳисобланаби, миллий экспортчиларни тижорий аҳборотлар, маркетинг тадқиқотлари, хорижий харидорлар хизматлари билан таъминлайдилар ва юклаш, ташиш ҳамда қадоқлаш бўйича маслаҳатлар берадилар. Айни институтларнинг айримлари экспортчиларни тайёрлаш ва рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиққанлар ва шу билан бирга уларни экспорт лицензиялари билан таъминлаганлар ҳамда сармояларни рағбатлантиришда иштирок этганлар. Масалан, АҚШда америка экспортини рағбатлантириш экспортни рағбатлантиришга йўналтирилган маҳсус институтларни тузиш билан амалга оширилади. Шундай ташкилотлардан бири 1969 йилда асос солинган хусусий хорижий сармоялар бўйича корпорация – Overseas Private Investment Corporation (ОПИК) ҳисобланади. Экспортни рағбатлантирадиган асосий жамғарма қисман давлат ва хусусий сектор томонидан молиялаштирилди. 1971 йилдан бошлаб, ОПИК орқали молиялаштирилган сармояларнинг умумий ҳажми 138 млрд. АҚШ долларини<sup>25</sup> ташкил этди. ОПИК тармоғи орқали инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш АҚШ иқтисодига 63 млрд. долларлик ҳисса қўшди ва 250 мингта янги иш ўринларнинг яратилишига хизмат қилди. Одатда корпорация инвестицион лойиҳаларнинг фақат бир қисминигина молиялаштиргани туфайли, унинг ёрдамида амалга оширилган маблағ ажратмаларининг ҳақиқий масштаблари анчагина йириқдир<sup>26</sup>. Буюк Британия тажрибаси ҳам мисол бўлиши мүмкін. Бу ерда ҳукумат Форин Офис ҳамда савдо ва саноат Вазирилигига бўйсунадиган Халқаро савдо Агентлиги (ХСА) га асос солди. У манфаатдор вазириклар ва бошқармалар, савдо палаталари, бизнес ассоциациялари ва биринчи навбатда Британия саноати Конфедерацияси ва яширин экспорт Кенгаши, шунингдек, Британиянинг хориждаги дипломатик миссияларининг тижорий бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган<sup>27</sup>.

Мамалакатлар экспортни рағбатлантиришнинг анчайин мураккаб комплекс схемаларига мурожат қилишлари ҳам мүмкін. Масалан, Жанубий Корея 1961-1973 йиллар давомида экспортни қўллаб-куватлаш билан бир пайтда импорт соҳасида ҳимояланишнинг агрессив сиёсатини олиб борган. Савдо ва алмашув қийматининг қатъий назорати изчил молиявий ва саноат сиёсати билан уйғун тарзда олиб борилди. Савдо сиёсати экспорт структурасига нейтрал бўлгани ҳолда аниқ равишда экспортни рағбатлантиришга йўналтирилганди. Экспортчилар турли-туман валюта қийматлари, бевосита молиявий кўмак, ишлаб топилган хорижий валютани ўзларига керакли маҳсулотлар импортига ишлатишга рухсат, чет эл валютасида кредит олиш ҳуқуқи каби кўплаб имтиёзлар воситасида қўллаб-куватланар эди<sup>28</sup>. Айни пайтда корейс экспортчилари учун импорт назоратига нисбатан салмоқли истиснолар ва шунингдек, тариф имтиёзлари жорий қилинган эди. Кўмак давлат томонидан назорат қилинадиган банк тизими йўналишидан ҳам кўрсатилар эди. Давлат банк кредитларига эҳтиёжманд бўлган саноат соҳалари ёки фаолият турларини белгилаб берар эди. Бундай кредитлар кўпинча имтиёзли бўлар эди. Экспорт фаолияти қарз олувчиларнинг кредит олишга лаёқатлилигини тасдиқлайдиган восита бўлиб хизмат қиласади.

Бошқа томондан эса, Сингапур тажрибаси эркин савдо сиёсатига таянар эди. Ҳатто Осиё кризиси даврида ҳам Сингапурда протекционизм сиёсатининг ҳеч қандай кўриниши кўзга ташланмади. Сингапур ҳукумати сармояларни рағбатлантириш ва эркин савдо сиёсати жаҳон саҳнida муваффақиятли иштирок этишнинг асосий детерминантлари эканлиги ҳақидаги фикрға тўлалигича қўшилдилар. Шу тарзда, эркин савдо сиёсати турғун иқтисодий база билан биргаликда Сингапурга дунёдаги энг юқори ЯИМ кўрсаткичини<sup>29</sup> таъмин этиш билан бирга унга Осиё кризисидан кейин шиддат билан оёққа туриш имконини берди.

24 [www.budgetrf.nsu.ru](http://www.budgetrf.nsu.ru)

25 [www.fkpi.ru/index.php?page=analytics\\_06](http://fkpi.ru/index.php?page=analytics_06)

26 [www.fkpi.ru/index.php?page=analytics\\_06](http://fkpi.ru/index.php?page=analytics_06)

27 [www.economy.gov.ru/webcontent/economy/www.economy.gov.ru/merit/svti/korinf/grbritain/3-3.html](http://www.economy.gov.ru/webcontent/economy/www.economy.gov.ru/merit/svti/korinf/grbritain/3-3.html)

28 Kihwan, K, 1985, "The Korean Economy: Past Performance, Current Reforms and Future Prospects", Korean Development Institute  
29WTO Secretariat, "Trade Policy Review: Singapore", 2000, in [www.wto.org/english/tratop\\_e/tpr\\_e/tp\\_rep\\_e.htm#bycountry](http://www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry)

Юқорида саналган экспортни рағбатлантириш чора-тадбирларининг ҳаммаси у ёки бу даражада турли мамлакатларнинг замонавий тажрибасида қўлланилади. Бироқ ушбу чоралардан алоҳида бирининг муайян бир вақт давомида ёки турли тараққиёт босқичидаги мъълум бир давлат тажрибасидаги аҳамияти асло тенг қийматга эга эмас. Бу шу билан изоҳланадики, бугунги кунга келиб, экспортни рағбатлантиришнинг шу пайтгача қўлланган воситаларининг аҳамияти халқаро савдо шароитидаги изчил ўзгаришлар ва глобализация натижалари оқибатида сезиларли даражада камайган. Мисол учун, бугунга келиб экспорт кредитларини суғурталаш кенг тарқалган, ваҳоланки, бир неча ўн йиллар муқаддам экспортни субсидиялашнинг аҳамияти каттароқ эди.

ЖСТ доирасида субсидия тушунчаси ишлаб чиқилган, уларнинг шакллари ва қисқартириш чоралари аниқланган. Масалан, ЖСТ аҳоли жон бошига ЯММ кўрсаткичи 1000 АҚШ долларидан юқори бўлган давлатлар учун экспорт субсидияларини таъкиқлаб қўйганки, кўпчилик мамлакатлар бундан катта зарар кўришаяпти. Фақат аҳоли жон бошига ЯММ кўрсаткичи 1000 АҚШ долларидан кам бўлган давлатларга мазкур воситадан фойдаланиш ҳукуқи берилган. Агар мамлакат аҳоли жон бошига ЯММ кўрсаткичининг шундай даражасига эришса, у саккиз йил давомида экспорт субсидияларидан фойдаланишдан воз кечиши лозим<sup>30</sup>. Экспорт субсидияларини қўллашга қарши асосий далил шуки, давлат миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-кувватлар экан, маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳақиқий қийматини сунъий тарзда арzonлаштиради.

ГАТС битими доирасида ЖСТ экспортни лимитлайди ва миқдор чекловлари қўяди, бу эса кўпгина мамлакатларнинг халқаро савдода иштирокини жуда кучли даражада мураккаблаштиради<sup>31</sup>.

Жаҳон бозорига кириб бориш йўлидаги энг баҳсли муаммолардан бири бўлмиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. ЖСТга аъзо давлатларнинг 2003 йил сентябрда Канкун (Мексика)да бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг савдоси<sup>32</sup> масаласидаги музокаралари экспортни субсидиялашга нисбатан бой ва камбағал давлатлар ўртасидаги келишмовчилек туфайли таназзулга юз тутди.

Доха (Қатар, июль 2004)да бўлиб ўтган учрашувда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини субсидиялаш масаласи яна бир бора кўтарилиди. Ривожланган давлатлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арzon импорт воситасида етиштирувчиларни қўллаб-кувватлаш учун йилига 300 миллиард АҚШ доллари<sup>33</sup> миқдоридаги экспорт субсидияларини қўллаётганилиги ривожланаётган давлатларнинг кучли ғазабига сабаб бўлди. Жаҳон банкининг баҳосига кўра, Япония, ЕИ ва АҚШ пахта, шоли ва бошқа маҳсулотлар нархини субсидиялаб фақат ўз фермерларини қўллаб-кувватлаш учун йилига 184 миллиард АҚШ доллари сарфлайдилар ва бунинг воситасида сунъий тарзда рақобатни бўғишиди ва камбағал давлатларнинг ишлаб чиқарувчиларига савдо учун имконият бермайдилар<sup>34</sup>. Музокара қатнашчиларининг фикрига кўра<sup>35</sup>, субсидияларни камайтириш тартиби, божларни камайтиришнинг аниқ ўлчами ва пахта етиштирувчиларни қўллаб-кувватлаш масалалари энг мураккаб муаммолар саналади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, ЖСТ нинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш тартиб ва қоидалари таркибини келгусида қайта кўриб чиқишига зарурият пайдо бўлди. Савдони эркинлаштириш чоралари қабул қилинган қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор битимлар тузилди. Савдога путур етказувчи миллий экспортчиларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш чораларини чеклаш ЖСТ нинг жуда аҳамиятли талаби ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида экспортни субсидиялашнинг барча шаклларини тақиқлаш масаласи ҳам кўтарилиди. Масалан, шу тарзда, куйидагиларни тақиқлаш ҳақида битим тузилди: экспорт субсидиялари, экспорт кредитлари, беркитилиши 180 кундан узоққа чўзиладиган кафолатлар ва суғурта дастурлари<sup>36</sup>. Шундай қилиб, ривожланаётган ва ривожланган давлатларнинг бозорга чиқиш тартибини ўзгартириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди, унга кўра ЖСТнинг асосий талаби импорт қилинаётган давлатларга тарифларнинг камайтирилиши бўлди. Кам ривожланган мамлакатларга алоҳида эътибор қаратилди. Демак, ЖСТнинг ривожланган ва ривожланаётган аъзолари кам ривожланган давлатларнинг маҳсулотлари учун бож тўловларидан озод бозорга кириш квоталарини кафолатлашлари шарт.

Умуман олганда, ЖСТнинг сўнгги йиғилиши нафақат экспортни мувофиқлаштириш масалаларига, балки савдони рағбатлантиришга ҳам давлатнинг аралашувини чеклаш воситасида савдони

30 Hoekman, Bernard, and Michel M. Kostecki, 2001. The Political Economy of the World Trading System: The WTO and Beyond. 2d ed. New York: Oxford University Press

31 Стиглиц, Джозеф и Дэвид Эллерман, «Мосты через пропасть: Макро- и Микростратегии для России», Мировой Банк в [www.ptpu.ru/issues/5\\_00/3\\_5\\_00.htm](http://www.ptpu.ru/issues/5_00/3_5_00.htm)

32 Блумберг, Январь 11, 2005

33 Xinhua, December 26, 2004

34 «Интерфакс», 19.07.2004

35 «Интерфакс», 19.07.2004

36 [www.wto.org/l/579](http://www.wto.org/l/579)

эркинлаштириш тенденциясини илгари сурди. Шундай қилиб, маҳсулотлар ва хизматларнинг халқаро қийматини сунъий тарзда пасайтирувчи ва бузувчи экспорт субсидияларини чеклаш, протекционизм сиёсати даражасини камайтириш ва бозорга тўсиқларсиз кириб бориш шароитларини таъминлаш масалаларига диққат жалб қилинди. Колумбия Университетининг профессори Арвинд Панагарая каби айрим скептикларнинг қайд этишича<sup>37</sup>, озиқ-овқат маҳсулотларининг соғ импортчилари ҳисобланадиган кам ривожланган давлатлар ривожланган давлатлар бозорига божсиз кириш хукуга эгалар ва айнан улар қишлоқ хўжалигининг эркинлаштирилишидан кўпроқ зарар кўришади. Чунки, мазкур ислоҳот афзалликлар системасининг аҳамияти емирилган бир пайтда импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилишига таъсир қиласи. Бунга нисбатан Жаҳон Банки<sup>38</sup> қуйидагича муносабат билдиради: ҳатто қишлоқ хўжалигини қўллаб-куватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида айрим мамлакатлар зарар кўрган тақдирда ҳам умумий натижада ижобий бўлади. Негаки, савдони эркинлаштириш ривожланаётган мамлакатлар учун жаҳон бозорларига тўсиқсиз кириб бориш имконияти ва экспорт салоҳиятини рўёбга чиқариш демакдир.

### **Ўзбекистонда экспортни рағбатлантириш сиёсатини таомиллаштириш**

Экспортни рағбатлантириш сиёсати<sup>39</sup> ва халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан максимал фойдаланишга ўтиш мақсадида мамлакат экспорт операциялари самарадорлигини янада ошириш ҳамда юқори қўшилган қиймат соҳаларида мамлакатнинг нисбий устиворлигини ошириш экспорт тизимини янада эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Экспорт қилиш тақиқланган маҳсулотлар рўйхатини қисқартириш экспортни эркинлаштириш соҳасидаги муҳим йўналиш ҳисобланади. Жорий операциялар ҳисоби бўйича сўмнинг эркин ковертацияси жорий қилинган бугунги кунда, қайд этилган рўйхатдаги кўплаб маҳсулотларга нисбатан чекловнинг бекор қилиниши мамлакат экспорти ва экспорт салоҳиятининг ўсиши ҳам ташқи савдо самарадолигини оширишда муҳим омил бўлиши мумкин.

Экспортни эркинлаштиришнинг яна бир муҳим йўналиши ЎзР ТИАА да экспорт шартномаларининг муайян категорияларини олдиндан рўйхатга олишнинг чора-тадбирларини таомиллаштириш ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, экспорт шартномаларини олдиндан рўйхатга олишни нисбатан самаравариқ бўлган экспорт қилинаётган маҳсулотларни божхона тозаловидан ўtkазиш тизими билан алмаштириш мамлакат экспорти ва экспорт салоҳиятининг ўсишига хизмат қиласи.

Экспортни рағбатлантириш ва унинг самарадолигини ошириш кўп жиҳатдан ташқи савдо ҳисоб-китоблари тизимини таомиллаштириш ва мавжуд турли-туман чекловларни бекор қилишга ҳам боғлиқдир. Жўмладан, қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилладиган қисминигина эмас, балки бутун экспортни кўшилган қиймат солигидан озод қилиш; – ташкилотларнинг экспорт имкониятини ва ҳисоб-китобнинг замонавий мезанизмларини киритишни сезиларли даражада чеклайдиган экспорт қилинаётган маҳсулотлар учун кенг қўлланиладиган 100 фоизлик олдиндан тўлов амалиётини бекор қилиш<sup>40</sup>; экспорт кредитлари, экспорт кредитларининг суғуртаси ёки экспортчиларга қарама-қарши банк кафолатларини беришини қўллашни жорий этиш; – миллий валютага бўлган ишончни юксалтириш учун ташки савдо сиёсатини эркинлаштиришда республика ҳудудида товарлар ва хизматлар тўлови учун чет эл валютасини қабул қилишга руҳсат берадиган қоидаларни қайта кўриб чиқиш лозим<sup>41</sup>,

37 Financial Times, Январь 11, 2005

38 Financial Times, Январь 11, 2005

39 Экспортни рағбатлантириш сиёсатига утиш, шунингдек, импорт протекционизми сиёсати даражасини пасайтириш, монетар ва фискал сиёсатни узгартирни, банк соҳасини ислоҳ килиш, агарар соҳада ислоҳотларни чукурлаштириш ва х. к. ларни ҳам назарда тутади. Бу ислоҳотларнинг барчаси жамӯрмалар ва сармояларни рағбатлантириш, ийтисодиётдада раёбат муйитини яратиш, бизнеснинг трансакцион харажатларини камайтириш ва экспортни рағбатлантириш сиёсати учун хос булган қийматни бузишини бартараф этишининг муҳим шартлари ҳисобланади. Факат муаммонинг ечимига комплекс ёндашувгина иктисолид тараккиёт суръатларини тезлаштиришнинг муим шартли ҳисобланадиган миллий ишлаб чикарувчиларнинг ракобатбардошлилиги ва ташки савдонинг самарадорлигига олиб келиши мумкин. Таассуфки, ушбу масалалар мазкур таҳлил доираларидан чиқиб кетади ва алоҳида тадқикотларни талаб киласи.

40 Анчагина баҳсли масала, негаки, барча ривожланган мамлакатларда 100 % олдиндан туловсиз маҳсулотни сотиб олиш/импорт килиш жуда кийин. «Фрибагрлик» омилини доимо ёдда тутиш керак, Узбекистон бундай вазият билан тукнаш келган ва бу охир-окибатда 100% лик туловнинг кабул килинишига сабаб будди.

41 Бундай руҳсатлар Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартағи «Жисмоний шахсларнинг нақд чет эл валютасини олиб киришини тартибиға солишининг чора-тадбирлари хакида»ги №УП-1979 Фармони 4-бандида (авиа- ва темир йул ташвиши туловлари кисмида), Узбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги «2005 йилгача булган даврда Узбекистонда туризмни ривожлантиришнинг давлат дастури хакида»ги №УП-2286 Фармони 3-бандида (сайёхлик хизматларини курсатиш кисмида), Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 24 мартағи «Биржадан ташкаридаги валюта бозорини ривожлантиришнинг кушимча чора-тадбирлари хакида»ги №103 карорида (резидент булмаганларга бошка хизматлар курсатиш кисмида) назарда тутилган.

шунингдек, экспорт-импорт операцияларини миллий валютада амалга оширишни кенгайтириш чоратадбирларини кўриб чиқиш шарт<sup>42</sup>;

– моддий-техник ресурсларни маъмурий тарқатишни чеклаш бўйича олиб борилаётган ишларни давом этириш ва уларнинг эркин бозорини ташкил этиш ҳам ишлаб чиқарувчи-экспортчиларнинг рақобатбардошлилигини оширишнинг муҳим омили бўлиши ва экспортнинг ривожланишини рағбатлантириши мумкин.

Ташки бозорда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлилигини ва экспорт самарадорлигини оширишда экспортчилар учун хизмат қиладиган бозор инфратузилмаларини ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади. Мамалакатимиз кичик корхоналарда маҳсулот тайёрлаш ва уни экспорт қилиш, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш соҳасида катта салоҳиятга эга. Бироқ ушбу маҳсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишнинг, айниқса, экспорт қилишнинг самарали тизими мавжуд бўлмаганлиги туфайли ишлаб чиқарувчилар ҳосилнинг ялпи этилиш даврида кўпинча ишлаб чиқариш ва ташиш харажатларини қоплаш имкониятига ҳам эга эмаслар. Етиштирилган ҳосилнинг катта қисми ана шу пайтда нобуд бўлади.

Жаҳон бозорида савдо ўрни учун қаттиқ рақобат кураши олиб борилади. Хорижда исталган маҳсулотни сотиш маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш, маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш, ўз маҳсулотини реклама қилиш, ташишнинг муносаби қимматбаҳо воситаларидан фойдаланиш, етказиб бериш учун шартномалар тузиш ва агар лозим бўлса, ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишни талаб этади.

Бутун дунёда маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бирор шуғулланса, уни сотиш ва экспорт қилиш билан бошқаси машғул бўлади. Бу меҳнат тақсимоти афзалликларидан максимал фойдаланиш имконини беради. Экспортга ихтисослашган воситачи фирмалар бу муаммоларни анча профессионал ва самарали ҳал этишади. Ишлаб чиқарувчилардан, айниқса, кичик ва ўрта корхоналардан (жумладан, фермер ва дехқон хўжаликларидан ҳам) маҳсулотни сотиб олиш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган тайёрлов корхоналари ва воситачи фирмалар учун қулай шароит яратиш зарурияти ана шундан келиб чиқади. Бундай ташкилотлар ва корхоналарга ҳам ишлаб чиқарувчи-экспортчилар учун берилган имтиёзли шароитларни яратиб бериш зарур.

Воситачи жисмоний ва юридик шахсларга экспорт учун киритилган акциз солиғини ҳозирги пайтда олиб ташлаш бизнинг фикримизча, тўғрироқ бўлар эди. Ушбу солиқларнинг бекор қилиниши ва ишлаб чиқарувчи-экспортчилар учун мавжуд бўлган солиқ имтиёзларини воситачи ташкилотлар ва фирмалар учун ҳам жорий этишдан ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотга бўлган талабнинг ва мутаносиб тарзда нархнинг ўсишидан нафақат экспорт қилинаётган маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар, балки бутун иқтисодиёт – экспортнинг ўсиши натижасида ҳам, экспорт операцияларининг самарадорлиги ортиши жиҳатидан ҳам – ютуқка эришган бўлар эди.

Айни пайтда ташки бозорлардаги савдони маҳсулотни чегарадош мамлакатлар ҳудудидан ташиб олиб ўтиш мураккаблаштиряпти. Мазкур давлатлардаги транзит тўловларининг юқори даражаси ва транзит пайтида маъмурий чекловлар туфайли тўхтаб қолиш муамоси мавжуд. Бу муаммоларнинг самарали ечими Марказий Осиёда ҳудудий интеграциянинг ривожланиши билан боғлиқдир.

Ҳудудий интеграцион жараёнларнинг тараққиёти экспортнинг ривожланишида ва мамлакатнинг экспорт салоҳияти ортишида, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан муштараклашувининг тезлашишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Ҳудудий интеграциянинг ривожланиши, гарчи иқтисодий сиёsat юритища қисман суверенитетдан воз кечишига олиб келса-да, бир қатор қулагилар эга бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир: – янги соҳаларнинг оёққа туриши учун умумий ва шундан келиб чиқсан ҳолда нисбатан улкан ресурслар ва бозорлардан фойдаланиш имконияти, масштаб самарасини берувчи йирик масштабли ишлаб чиқариши ривожлантиришда ҳамкорлик ва ҳудуд ичкарисидаги ихтисослашув қулагиларидан фойдаланиш; – истеъмолчилар учун янада кенгроқ бозор ва маҳсулотлар ассортиментига кириш ҳукуки; – ҳудудлараро рақобатнинг ривожланиши ва глобал бозорларда маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлилигини ошириш; – янада йирикроқ илмий-техникавий алмашинув имкониятларининг кенгайиши ҳамда фан ва технологияларни ривожлантиришдаги биргаликда ҳаракатларни жамлаш; – янада баланслашган инфратузилмаларни ташкил этиш, масалан, транспорт, банк-молия, коммуникацион ва бошқалар; – бошқа мамлакатлар билан муносабатда, ТНК ва халқаро иқтисодий

42 Узурнида шуни таъкидлаш лозимки, миллий валютага бу йул билан ишончнинг ортиши даргумон. Савол тугилади - кимнинг ишончи: ҳалкнингми ёки хорижий импортёларнинг? Масаланинг шу жихатини ҳам назарда тутмок лозимки, купгина ривожла-наётган мамлакатлар учун (Ўзбекистон ҳам уларнинг сирасига киради) экспорт чет эл валютасининг асосий манбай ҳисобланади.

ташкилотлар даражасида ўз манфаатларини биргаликда янада қатъиyroқ ҳимоя қилиш қобилияти, шунингдек, нафакат бутун худуднинг, балки алоҳида ҳар бир давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъмин этмоқ.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатларнинг савдо-иқтисодий блокларга бирлашиши савдо имкониятларининг кенгайиши, бозор сифимининг янада кенгайиши, хорижий сармоялар оқимининг ортиши, рақобатнинг кучайиши ва масштаб самараасига эришиш оқибатида уларнинг иқтисодий тараққиёти суръатларини сезиларли даражада тезлаштиради.

Яна шуниси ҳам аҳамиятлики, МДҲ фаолият юритаёган муддат давомида собиқ ССРИ ҳудудидаги иқтисодий муштараклик сезиларли даражада кучсизланди, кўплаб давлатлар анъанавий бўлиб қолган бозорларни эмас, кўпроқ узоқ хориж мамлакатларини мўлжаллай бошлашди. Оқибатда – МДҲ бозорларидағи улкан улуш бой берилди. Аслида ушбу давлатларнинг, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларининг маҳсулотлари рақобатбардошлик даражаси узоқ хорижда жуда паст. Бунга сабаб транспорт харажатларининг жуда юқорилиги ва ривожланган давлатлар бозоридаги юксак техник стандартлар шароитида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларимиз сифатининг пастилигидир. Айни пайтда, рақобатбардошлиликнинг қиймат омили МДҲ бозорларида ривожланган мамлакатлар бозорларидағига нисбатан анча аҳамиятли ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, яқин келажақда тайёр маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг сезиларли ортиши факат МДҲ давлатлари бозорида амалга ошиши мумкин, бу эса ҳудудий интеграциянинг ривожланишини назарда тутади.

Ҳудудий ҳамкорликни ривожлантиришда яқинда Марказий Осиё давлатлари бошлиqlарининг МОҲТ доирасида сув, энергия ва озиқ-овқат консорциумларини ташкил қилиш ҳақидаги қабул қилган қарорлари бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ҳудудда ягона умумий бозорни ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг келгусидаги ривожида унга Марказий Осиё малакатларининг барчаси учун асосий савдо-иқтисодий ҳамкор ҳисобланган Россиянинг кўшилиши катта аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, ушбу мамлакатларда иқтисодий тараққиёт суръатининг тезлашиши ва савдо, иқтисодий ҳамкорлик учун янада кенгроқ истиқболни очади ва шу билан бирга уларни ташки савдони янада қатъият билан эркинлаштиришга ундейди.

Курс сиёсатини тартибга солиш экспорт ва мамлакат экспорт салоҳиятини рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиши мумкин. Импорт сиёсати протекционизмнинг юқори даражаси билан характерланадиган бир пайтда мавжуд вазият учун миллий валютанинг шаклланган алмашинув курси мувозанат вазифасини ўтайди. Бироқ импортни эркинлаштириш ва ҳудудий интеграциянинг ривожланиши импортга бўлган талабнинг сезиларли даражада ўсишига, ички бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлилиги пасайишига ва тўлов балансининг дефицитига олиб келиши мумкин. Миллий валютанинг паст даражадаги ҳақиқий алмашинув курсини ушлаб туриш нафакат импортнинг қимматлашуви натижасида ички бозоримизда миллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг рақобатбардошлилигини оширади, балки экспорт ривожини ҳам рағбатлантиради. Бу ёки миллий валюта ҳақиқий алмашинув курсининг камайишига пропорционал тарзда экспортчилар фойдасининг ортиши натижасида<sup>43</sup>, ёки хорижликлар томонидан – улар учун анча арzon тушиши ҳисобига – миллий маҳсулотларимизга нисбатан талабнинг кўпайиши ҳисобига содир бўлиши мумкин.

Бизнинг назаримизда, курс сиёсати соҳасида юзага келган мавжуд вазиятда энг тўғри йўл миллий валютанинг алмашинув курсини инфляция суръатларига нисбатан тезроқ одимларда тушириш ҳисобланади. Бундай ёндашув миллий валютанинг реал алмашинув курсини импортни эркинлаштириш ва ҳудудий интеграцион жараёнларни ривожлантириш жараёнида унинг даражасини кескин (шок тарзида) ўзгартиришларсиз тушириш имконини беради.

Экспортчиларнинг ахборот таъминотларини яхшилаш мақсадида электрон технологиялар асосида манфаатдор ўзбек ташкилотларига хорижда ўтказилаётган тендер ва конкурс савдолар ҳақида бевосита чет эл ташкилотларининг ўзидан туриб ахборот билан таъминлашни амалга оширадиган маҳсус ахборот-маълумот тизимини яратиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, товар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг маҳсулотлари ҳамда хизматлари, хорижий бозорларнинг конъюнктураси ва уларда савдо қилишнинг шартларини ўзида акс эттирган текин ахборот веб-сайтини тузиш ҳам айни муддао бўлар эди. Юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш, бизнинг назаримизда, иқтисодиётнинг очиқлик даражасини анчагина юксалтиради, экспортнинг ва мамлакат экспорт салоҳиятининг ривожланишини рағбатлантиради ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлигининг ўсиш суръатларини тезлаштиради.

43 Асосан қиймати жаҳон бозорида ЭАВ да белгиланадиган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари.

